



## ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ АМАЛИЁТИ

**Исаев Шохрух Ортиқали ўғли**

Тошкент шаҳар ИИББ Учтепа тумани ИИО ФМБ

тергов бўлими катта терговчиси, капитан

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15349841>

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этган вояга етмаганларни жавобгарликдан озод қилиш амалиёти тушунчаси, турлари шартлари ва жавобгарликдан озод қилиш йўллари ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** Вояга етмаганлар, жиноятчилик, жиной жавобгарлик, вояга етмаганлар жавобгарлиги.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются понятие, виды, условия практики освобождения от ответственности и способы освобождения от ответственности несовершеннолетних, совершивших преступления в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** Несовершеннолетние, преступность, уголовная ответственность, ответственность несовершеннолетних.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 04 июль куни ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш, улар учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ёшлар билан ишлашда ҳамон камчиликлар мавжудлиги қайд этилди. Бунинг оқибатида ёшлар жиноятга қўл уришининг олди олинмаяпти. Жорий йилнинг ўтган даврида содир этилган 17,5 минг жиноятнинг қарийб 31 фоизи ёшлар хисобига тўғри келиши бунинг тасдиғидир. Мамлакат бўйича жиноят содир этган 22 минг шахснинг 11 минг нафарини ёшлар ташкил этиб, бу кўрсаткич Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида, айниқса, юқориликча қолмоқда.

Жиноят қонунига мувофиқ содир этган қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлган, шунингдек, жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс ҳам жиной жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Жиной жавобгарликдан озод қилиш институти содир этилган қилмиш Жиноят кодексида жавобгарлик белгиланган жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтиш (26-модда), муайян жиноят таркиби мавжуд бўлган, аммо кам ахамиятли қилмиш (36-модда), зарурий мудофаа (37-модда), охириги зарурият (38-модда), ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш (39-модда), буйруқ ёки вазифани ижро





этиш, касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик каби жиноят ҳуқуқий муносабатларда қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатлар тушунчаси билан ифодаланувчи ҳолатлардан фарқ қилади. Чунки жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги номалар содир этган қилмиши жиноят бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилмайди. Бошқача қилиб айтганда, бундай қилмишлар айбсизлик мезони бўлиб ҳисобланади.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш шахсни оқлашдан ҳам фарқ қилади. Шахсни оқлаш, оқловчи ҳукм чиқаришга асос бўлган жиноят таркибининг мавжуд эмаслиги ёки содир этилган жиноятга шахснинг алоқадор эмаслигида ифодаланади.

**Жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун иккита белги мавжуд бўлиши лозим:**

а) шахснинг жиноят таркиби мавжуд бўлган қилмишни содир этиши, шунингдек, уни жиноий жавобгарликка тортиш учун барча асосларнинг мавжуд бўлиши;

б) мазкур шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун барча қонуний асос ва шарт-шароитларнинг мавжуд бўлиши.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш ўз мазмунига кўра шахсни содир этилган қилмишнинг ҳуқуқий оқибатларидан озод қилишдан иборатдир. Шахсни жиноий жавобгарликдан ҳар қандай асосларга кўра озод қилиш қилмишнинг ҳуқуқий табиатини ўзгартирмайди. Чунки содир этилган қилмиш доимо жиноят бўлиб қолаверади ва ўз моҳиятини ўзгартирмайди.

Демак, **жиноий жавобгарликдан озод қилиш**-ваколатли давлат органининг судлов ёкт айбловни бекор қилиш, шунингдек, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан давлат мажбурлов чорасини қўллашни бекор қилиш ҳақидаги акти.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш иккига бўлинади:

**биринчиси** шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддатнинг ўтганлиги ёки амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш. Қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлган ҳолларда жиноят ишини кўраётган суриштирув, тергов органлари ва суд шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиши ва жиноят ишини юритишни тугатиши лозим.

Бу жиноят кодексининг 64-моддасида белгиланган жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши ёки амнистия актини қўлланилиши тўғрисидаги қоидалардан келиб чиқади.





**Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг иккинчи турига,** жавобгарликдан озод қилишнинг қолган барча турлари киради: қилмиш ёки шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан; ярашганлиги муносабати билан; касаллиги туфайли жавобгарликдан озод қилиш (65-67-моддалар) ва вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чорасини қўллаган ҳолатда жавобгарликдан озод қилиш (88-модда) киради. Бу моддаларда кўрсатилган ҳолатлар суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд учун мажбурият келтириб чиқармайди, балки, бу уларнинг ҳуқуқлари ҳисобланади. Бу Жиноят кодексининг жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги моддаларида белгиланган: “Жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин” деган қонуний асосга кўра белгиланади.

Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг умумий шарти шахснинг ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги ҳисобланади.

**Ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмиш,** деганда қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар тушунилади.

**Унча оғир бўлмаган жиноятларга** эса қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради. Масалан, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 100-модда), кучли рухий хаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (Жиноят кодексининг 106-моддаси).

Жиноят кодексининг 65-67-моддаларига асосан жавобгарликдан озод қилишда жиноятнинг таснифидан ташқари бошқа ҳолатлар, етказилган зарарнинг ҳусусияти, айбдорнинг шахси ва ижтимоий хавфлилик даражаси ҳам эътиборга олиниши лозим, бундан шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш мақсадга мувофиқлиги келиб чиқади. Бундай ҳолатларга: жиноят туфайли етказилган зарарнинг аниқ миқдори ва унинг қопланганлиги ҳақидаги расмий маълумотлар, Фуқаролик кодексига кўрсатилган жисмоний ва маънавий зарарнинг қопланганлиги, жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласи кўрилаётган шахс ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, бошқа маълумотлар (оилавий аҳволи, нима билан шуғулланиши ва бошқалар) киради. Жиноят процессуал





қонунчилигида белгиланган далиллар ва жиной жавобгарликдан озод қилиш шартлари аниқланган бўлиши лозим.

Юқорида кўрсатилган жиной жавобгарликдан озод қилиш туридан фарқли равишда, касаллиги туфайли ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши, шунингдек, амнистия акти билан жавобгарликдан озод қилишда содир этилган жиноятнинг аниқ бир тури кўрсатилмаган. Бундай озод қилиш ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган шахс билан бир қаторда оғир ва ўта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Иккинчи фарқи шундаки, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши билан ёки амнистия акти асосида жиной жавобгарликдан озод қилиш жиной ишни кўраётган суриштирув органлари, прокуратура ва суд учун қонунда белгиланган ҳолатлар аниқланган вақтдан бошлаб мажбурий ҳисобланади.

Жиной жавобгарлик ва жазодан озод қилиш тушунчаси бир-бирдан мазмун жиҳатидан фарқ қилади:

Жиноят кодексида жазодан озод қилишнинг қуйидаги турлари кўрсатилган:

- 1) жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиной жавобгарликдан озод қилиш (64-модда);
- 2) қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (65-модда);
- 3) айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (66-модда);
- 4) ярашганлиги муносабати билан жиной жавобгарликдан озод қилиш (66<sup>1</sup>-модда);
- 5) касалиги туфайли жавобгарликдан озод қилиш (67-модда);
- 6) амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш (68-модда);
- 7) вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурулов чорасини қўллаган ҳолатда жавобгарликдан озод қилиш (88-модда).

Жиной жавобгарликдан озод қилиш ҳуқуқий жиҳатдан жиноят содир этган шахсни содир этилган қилмишнинг барча ҳуқуқий оқибатлари: суд ҳукми асосида давлаттомонидан тайинланадиган ва шахсни расмий тарзда жиноятчи деб топадиган таъсир чорасидан, жазодан ва судланганликдан озод қалади. Шунингдек, бу институтнинг





қўлланилиши барча турдаги жиноят процессуал мажбурлов ва эҳтиёт чораларини бекор қилади: шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш шахснинг айбсизлигини англатмайди ва уни фуқаролик-ҳуқуқий масалан, содир этган қилмиши учун мулкӣ жавобгарликниқўллаш, шунингдек, маъмурий, интизомий таъсир чораларидан озод қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига мувофиқ, вояга етмаганлар, вояга етган шахслардан фарқли равишда жавобгарлик ва жазога тортиладилар. Жумладан, квалификация жараёнида, жазо муддатларини ўташдан, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишда, жазони енгилроғи билан алмаштиришда кўплаб имтиёзлар мавжуд.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, вояга етмаган шахсга нисбатан, унда ўзини-ўзи англаш ва ўз тақдирини ўзи белгилаш каби хислатлар шаклланмасдан туриб, жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини кўрмаслиги лозим. Вояга етмаган шахслар содир этган жиноятлари учун белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиб, жазо муддатларини ўтаб бўлганларидан сўнг, уларнинг тўлоқонли ижтимоий ҳаётга қайтишлари ва нормал ривожланишлари ҳамда тарбияланишлари мураккаблашади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг олтинчи бўлими «Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари» деб аталиб, ушбу бўлимда қонун чиқарувчи «ўзига хос хусусиятлари» иборасини кўплаб, вояга етмаган шахсларнинг ижтимоий рухий ривожланиш билан боғлиқ бўлган омилларга таянган ҳолда, уларга жазо тайинлаш ва уларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласига алоҳида урғу берилган бўлса ҳам, лекин Ўзбекистонда ювенал юстицияни жорий қилинса, янада вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфатларини химоя қилишни йўлга қўйган бўламиз. Ювенал юстиция вояга етмаганлар тақдирига дахлдор муоммоларни ҳал этишда, уларнинг ҳуқуқларини химоя қилишда жамиятнинг, жамотчиликнинг кенг қатнашишини тақозо этади, табири жоиз бўлса, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида бир боғловчи тизим сифатида ўзини номоён этади.

Ўзбекистонда ювенал судларини ташкил этишнинг асослари ва истиқболлари масаласи Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятлари нуқтаи назаридан ҳам мақсадга мувофиқ эканлигини кўриш мумкин. Чунки ювенал судларини ташкил этиш масаласи Ўзбекистон қўшилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган.





Хулоса қилиб айтганда ювенал юстиция институтини жорий этиш билан бир қатор муҳим мақсадлар тўла рўёбга чиқиши таъмин этилади.

**Вояга етган** шахсларга нисбатан жиноят кодекси 72-моддасининг иккинчи қисмига асосан шартли хукмнинг синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиши кўрсатиб ўтилган. Бу қоида вояга етмаган шахсларга ҳам тегишли. Лекин ушбу ҳолатга жиддий ёндашмаса:

- биринчидан, вояга етган айбдор шахсга оғир жиноят содир этилганлиги учун суд томонидан саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, шартли хукмни қўллаган ҳолда, синов муддати уч йил деб белгиланиши мумкин;

- иккинчидан, вояга етмаган айбдор шахсга оғир жиноят содир этганлиги учун суд томонидан беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, шартли хукмни қўллаган ҳолда, синов муддати уч йил деб белгиланиши мумкин.

Юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики, вояга етган ва вояга етмаган шахслар ижтимоий хавфлилик даражаси бир хил, яъни оғир жиноят содир этганлиги учун шартли хукмнинг синов муддати суд томонидан уч йил муддатдан ошмаган ҳолда қўлланилмоқда. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексинг 8-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган одиллик принципига «Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилони бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак» деб кўрсатиб ўтилган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. <https://www.lex.uz/acts/111453>.
2. Бобур, М., Ўғли, А., & Обиджонов, У. Ж. Ў. (2024). ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(2-2), 33-39.
3. Бобур М., Ўғли А., Абдухалилов А. А. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 1-2. – С. 130-136.



4. Бобур, Мустофақулов, Асрор Ўғли, and Асадбек Аброр Ўғли Абдухалилов. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.1-2 (2024): 130-136.
5. Бобур, М., Ўғли, А., & Абдухалилов, А. А. Ў. (2024). ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(1-2), 130-136.
6. Бобур М., Ўғли А., Аҳмадқулов Н. Ж. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 2. – С. 58-62.
7. Бобур, Мустофақулов, Асрор Ўғли, and Ниятулло Жаҳонгир Ўғли Аҳмадқулов. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2 (2024): 58-62.
8. Бобур, М., Ўғли, А., & Аҳмадқулов, Н. Ж. Ў. (2024). ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(2), 58-62.
9. Мустофақулов Б. А. Ў., Шодмонов Д. Э. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ПАТРУЛ-ПОСТ ХИЗМАТИ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ БЎЛИНМАЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 47-51.
10. Мустофақулов, Б. А. Ў., & Эшонқулов, Ё. Х. Ў. (2025). ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(4), 126-132.
11. Бобур, Мустофақулов, Асрор Ўғли, and Жавоҳирбек Сайиджон Ўғли Рўзиев. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ПРОФИЛАКТИК ҲИСОБГА ОЛИНГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ЯККА ТАРТИБДАГИ



# THEORETICAL ASPECTS IN THE FORMATION OF PEDAGOGICAL SCIENCES

International scientific-online conference



ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ." Central  
Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.3 (2025):  
10-16.

